

ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ АСОСИДА ЁШЛАРДА ТАДБИРКОРЛИК КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ- МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

А. Абдурашидов

Қўқон Давлат педагогика институти ўқитувчиси

Мақола ёшларда инновацион ёндашув асосида тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантиришнинг назарий-методологик асосларини асослаб берган. Шунингдек, муаллиф талабаларда тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ўз таклиф ва тавсияларини келтирган.

Таянч тушунчалар: тадбиркорлик, кўникма, бозор иқтисодиёти, ташаббускорлик, вазифалар.

В статье обоснованы научно-теоретические основы развития предпринимательских навыков у студентов. Автор также внес предложения и рекомендации по развитию предпринимательства у студентов.

Ключевые понятия: предпринимательство, мастерство, рыночная экономика, инициатива, задачи.

The article substantiates the scientific and theoretical foundations for the development of entrepreneurial skills among students. The author also made suggestions and recommendations for the development of entrepreneurship among students.

Key concepts: entrepreneurship, skill, market economy, initiative, tasks.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ривожланишнинг глобаллашуви шароитида давлатнинг рақобатбардошлиги унинг мавжуд илмий-маърифий ва илмий-техникавий салоҳиятдан тўлақонли фойдаланиш, инновацияларни иқтисодиётга кенг тадбиқ этиш орқали мамлакатнинг барча соҳаларини ривожлантириш, айниқса, кичик тадбиркорлик ва миллий хунармандчиликни ҳар томонлама қўллаб қувватлаш, ёшларга бу соҳада зарурӣ имтиёзлар яратиш орқали уларда тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бунда ёшларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, уларда ишбилиармонлик сифатларини шакллантириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли мамлакатимизнинг барча минтақаларида ёшлар иштирокида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай ишбилиармонлик мухитини яратиш, ривожланган бозор муносабатлари ва фуқаролик жамияти шаклланиш жараёнларида фаол иштирок этишга тайёр йигит-қизларни тарбиялаш, уларга етарли эътибор ва

шарт-шароитлар яратиб бериш ҳамда эркин фаолият юритишига ғов бўлаётган бюрократик тўсиқларни бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалда кенг жорий қилинмоқда.

Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев 2017 йил 17 ноябр куни “Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида берилган расмий шарҳда қайд етилишича, ўтган йиллар давомида республикада миллий хунармандчиликни ривожлантириш, ҳалқ бадиий хунармандчилиги ва амалий санъатининг кўп асрлик анъаналарини сақлаб қолиш, хунармандчилик билан шуғулланувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилган чора-тадбирларга қарамасдан, хунармандчилик кичик бизнес ва якка тадбиркорлик ривожланишининг кучли, мустақил ва оммавий йўналишига айлана олмади. Бу каби масалалаларни ҳал этиш йўлларидан бири бу зарурӣ педагогик шарт-шароитларни ишлаб чиқиш орқали талабаларда миллий хунарманчилик воситасида тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантиришдир.

Талабаларни тадбиркорлик фаолиятига йўналтириб ўқитишининг юқори сифатини таъминлаш учун назарий-методологик ўқитишини ташкил этишда, амалий машғулотларда инновацион методлардан фойдаланиш ва тадбиркорлик фаолиятига йўналтириб ўқитишига тизимли ёндашув зарур.

Бундай ёндашув орқали таълим олувчиларда тадбиркорликнинг назарий билимлар ва амалий кўникмалар мазмунини ўзлаштиришга йўналтирилган қуйидаги асосий мақсадлар амалга оширилиши мумкин:

- Тадбиркорлик фаолиятига мотивацисон (ingl. motivation- рағбат), ижодий ёндашув ва мустақилликнинг ривожлантирилиши;
- Таълим олувчиларда (ўқувчиларда) тадбиркорлик соҳасидаги компентенцияларни шакллантирилиши;
- Ўқувчининг компентенцияларини бизнес соҳасининг замонавий ва келажакдаги эҳтиёжларига мос келишини таъминланиши.

Асосий мақсадларга эришишда ўқув дастурларининг изчиллигини, ихтисослик бўйича касбий тайёргарликнинг ва тадбиркорлик фаолиятига йўналтириб ўқитишининг интеграциясини ҳисобга олиб, тадбиркорлик фаолиятига назарий ва амалий ўргатишни ташкил этиш тамойилларини ва мазмунини ишлаб чиқиш муҳим масала ҳисобланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида алоҳида ўзига хос омиллардан бири бу ёшларда тадбиркорлик кўникмалари шаклланганлигидадир. Зеро, тадбиркор деб, иқтисодий ресурслар: ишлаб чиқариш воситалари, ишчи кучи ва табиий ресурсларнинг бир-бирига қўшилишини таъминлайдиган ташкилотчи, янгиликка интилувчи ташаббускор, иқтисодий ва бошқа хавф-хатардан

кўрқмайдиган кишиларга айтилади; Бу хислатлар эса тадбиркорлик кўникмалари деб юритилади.

Тадбиркорлик кўникмаси – ташаббускорлик, ташкилотчилик, новаторлик, иқтисодий хавфдан, жавобгарликтан чўчимаслик хислатларининг ривожланганлиги.

Замонавий бозор иқтисодиёти шароитида, олий ва ўрта маҳсус маҳсус касб-хунар таълими муассасалари фаолиятининг асосий фаолият йўналишлари бўлиб, битирувчиларнинг шахсий баркамоллигини шакллантириш, уларнинг ўз устида ишлашлари ва самарали меҳнат фаолиятини олиб боришларига кўмаклашиш, шунингдек, тадбиркорлик ва бизнес бўйича билим ва кўникмаларини шакллантириш, уларга ишбиламонлик руҳини сингдириш, ёшларнинг ишга жойлашиши ва меҳнат бозорига мослашиши учун ёрдам бериш ҳисобланади.

Талаба-ёшларда тадбиркорлик кўникмалакарини эгаллашга тайёрлаш, уларга замонавий шароитда кичик бизнес, тадбиркорликка оид билимларни ўргатиш лозим. Бу эса уларнинг мамлакат иқтисодий барқарорлиги ва тараққиётини таъминлаш учун меҳнат қилишлари, ўз вақтларини фойдали ишларга сарфлашларига кўмаклашади.

Умумий ўрта таълим муассасалари узлуксиз таълим тизимида муҳим ўрин тутади. У ерда таълим-тарбия олаётган ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш масаласи бугунги қунда уни янада такомиллаштириш зарурати юзага келганини кўрсатмоқда. Чунки жамият тараққиёти шиддат билан ривожланиб, янгидан-янги касб-хунарлар пайдо бўлмоқда, ёшларнинг бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган касб-хунарларни эгаллашга иштиёқи кучайиб бормоқда. Шу боис ўқувчилар билан олиб бориладиган касб-хунарга йўналтириш ишларини янгитдан кўриб чиқиши, уларни онгли ва мустакил касб танлашга тайёрлаш бу масалага ўзини масъул деган ташкилотларнинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

Шу жиҳатдан қараганда, ўқувчи-ёшларни касб-хунар танлашга тайёрлаш масаласига эътиборли бўлиш, уларнинг маълум бир касб-хунарга нисбатан бўлган лаёкат, мойиллик, иқтидор, истеъдод, қобилият, қизиқиши ва ақл-заковатига аҳамият беришда ота-оналар, таълим муассасалари, жамоат ташкилотларининг масъулиятини ошириш ва уларнинг ижтимоий ҳамкорлигини таъминлаш талаб этилади.

2017-2018 ўқув йилида мактабларда 10-11-синфлар ташкил этилгач, ўқувчиларга касб-хунар ўргатишнинг янги тизимини жорий этиш вазифаси кун тартибиға чиқди. Касб-хунар коллежларига бормаган ўқувчиларнинг бандлиги таъминлаш, уларни бирор тўгарак ёки машғулотга, касб-хунар ўрганишга жалб этиш муҳим вазифага айланди.

Бугунги кунда худди шу вазифани ҳозирда касб-хунар коллежларининг ўқув устахоналари негизида, умумий ўрта таълим муасссаларида ташкил этилган ўқув-ишлаб чиқариш мажмуалари (ЎИЧМ) бажармоқда. Ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларида чуқурлаштирилган маҳсус тайёргарликни талаб этмайдиган тикувчи, ошпаз, сартарош, каштачи, дурадгор, сувоқчи, бўёқчи, чилангар, нонвой, қандолатчи каби 50 дан зиёд касб-хунарлар ўргатилади.

Ўқув-ишлаб чиқариш мажмуалари фаолиятини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш учун 2017 йилнинг йилнинг 24 октябрида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан “Умумий ўрта таълим муассасаларининг 10-11-синфлари ўқувчиларига касбий таълим беришга ихтисослашган ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги №868-сонли қарори қабул қилинди.¹

Ушбу қарорга кўра, 10-11-синф ўқувчилари таълим олиш билан биргаликда уларга касб-хунар ўргатиш, ўқувчиларнинг қизиқиши ва қобилиятларидан келиб чиқкан ҳолда келажакда уларнинг таълимни давом этиришлари ёки эгаллаган касблари бўйича меҳнат фаолияти билан шуғулланишларига шарт-шароитлар яратиш, ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларини ташкил этиш ва уларни зарур жиҳозлар билан таъминлаш каби масалалар амалга оширилади.

Ўтган қисқа вақт ичида ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларида умумий ўрта таълим мактабларининг 10-11-синф ўқувчиларига касбий таълим бериш мақсадида зарур хомашё ва материаллар билан таъминланиш кўзда тутилган бўлса-да, бу борада турли муаммолар, узилишлар пайдо бўлди. Айниқса, ҳудудларда 50 дан ортиқ касб-хунарларни ўрганиш учун шароитнинг йўқлиги, уларга бўлган талабнинг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида мавжуд эмаслиги ушбу касб-хунарларни яна қайтадан кўриб чиқишини тақозо этмоқда. Шунингдек, мазкур муаммолар ҳам ўқув-ишлаб чиқариш мажмуалари фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда. Хусусан:

- амалий машғулотлар ўтказиш учун жиҳозларнинг етишмаслиги;
- касбий таълим бериш учун малакали мутахассисларнинг камлиги;
- касб-хунарлар бўйича дарслик ва қўлланмаларнинг тайёрланмаганлиги;
- ўқув машғулотлар учун шарт-шароитнинг етишмаслиги;
- давомаднинг сустлиги ва ҳ.к.

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан “Умумий ўрта таълим муассасаларининг 10-11-синфлари ўқувчиларига касбий таълим беришга ихтисослашган ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 24 октябрида №868-сонли Қарори.

Шунинг учун айни пайтда ЎИЧМларнинг самарали фаолият юритиши ва юзага келган муаммоларни бартараф этиш учун унга замонавий усулларни татбиқ қилиш зарурати пайдо бўляяпти. Шундай инновацион усуллардан бири – кластердир.

Кластер – инглиз тилидан олинган бўлиб, таржимада гурух, тўп, тўплам, боғ, шода каби маъноларни англатади.

Кластернинг амалий аҳамияти мамлакатлар, тармоқлар ва корхоналар иқтисодиёти рақобатбардошлигини ошириш ва юқори самарадорликка эришишни назарда тутади.

“Кластер” назарияси ривожланишидан унинг икки фундаментал тавсифини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Биринчиси, кластерга уйғунлашган корхона ва фирмалар фаолияти аниқ бир хил турдаги товарлар бозори билан боғлиқ бўлиши зарур. Бундай боғлиқлик вертикал (харид ва сотиш занжири) ва горизонтал (қўшимча бўлимлар ва хизматлар, шунга кетадиган маҳсус сарфлар, технологиялар ёки институтлар ва бошқа алоқалардан фойдаланиш) бўлади.

Иккинчиси – кластерлар географик яқин жойлашган ўзаро боғлиқликдаги корхоналар гуруҳи бўлиб, улар ўртасидаги ўзаро иқтисодий-ижтимоий муносабатларни барқарорлашиши натижасида рақобатбардошликтининг ривожланиши, кўпроқ қўшимча қийматни яратишига ва бозорда сотилишига имкониятлар яратишидир.

Касбий кластер: Кластер – бир-бирига боғлиқ бўлган таълимий, маданий, илмий, ижтимоий, технологик ва ишлаб чиқариш ташкилотларни бирлаштирган маданий-тарбиявий тизимдир.

Ўқувчиларни мақсадли тайёрлаш:

Ташкилот ва корхоналарнинг юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёжини янада тўлиқроқ қондириш учун мақсадли тайёрлаш ташкиллаштирилади.

Ишлаб чиқариш корхонаси талабларига мувофиқ ЎИЧМ мақсадли ўқув режаси, ўқув фанлари, маҳсус курсларини шакллантиради. Масалан, ҳудуддаги хусусий уй-жой мулқдорлари ширкатига пластик трубаларда ишлашга ихтисослашган сантехник зарур бўлса, бу мутахассисни ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаси тайёрлаб бериши керак.

Иш берувчи корхоналар битириув имтиҳонларда ташкил этилган кенгашларида, аттестация комиссияларида, бўш иш ўринлари ярмаркаларида фаол қатнашади.

Корхоналар ўз соҳалари бўйича маҳсус лойиҳалар, стипендиялар ҳамда конкурслар ташкиллаштирилади.

Демак, ўқув-ишилаб чиқарии мажмуалари фаолиятига кластер тизимини жорий этиши учун қуйидагиларни амалга ошириши керак:

- касб-хунарлар бўйича малака талаблари, ўқув режалари ва дастурларини такомиллаштириш;
- ўқувчиларнинг касб-хунар ўрганишлари учун зарур шартшароитларни яратиш;
- ишлаб чиқариш корхоналари ва ЎИЧМ ўртасида уйғунлашган ҳамкорликни таъминлаш;
- ЎИЧМни битирган ўқувчиларни таълимнинг кейинги босқичига ёки ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш фаолиятига йўналтиришга қўмаклашиш;
- “Касб-хунар таълими тўғрисида”ги янги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиши ва унда ЎИЧМларнинг ҳукуқ ва мажбуриятларини белгилаш;
 - замонавий касб-хунар бўйича дарсликлар, ўқув қўлланмалар, электрон воситалар яратиш;
 - амалий машғулотлар, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш учун мустаҳкам моддий-техник базани ташкил қилиш;
 - моҳир усталар, ҳунармандлар, ишбилармонлар, тикувчилар, нонвойлар ва бошқа касб эгаларининг иш тажрибаларидан фойдаланиш;
 - ЎИЧМдаги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасини жаҳон талаблари дараҷасида такомиллаштириш ва унинг сифат ва самарадорлигини таъминлаш;
 - таълим муассасалари ва таълим тизимларини бирлаштириш асосида доимий профессионал таълим тизимини яратиш;
 - самарали молиявий-иқтисодий механизмларни жорий этиш;
 - касбий малакаларни сертификатлаш;
 - таълим муассасалари учун сифат менежменти тизимини яратиш;
 - ногиронлиги бор одамларга касбий таълим олиш имкониятини таъминлаш. *Кластер тизими жорий этилган ўқув-ишилаб чиқарии мажмуалари фаолияти қуйидагиларда намоён бўлади:*
 - таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш соҳаларида янги билим ва технологияларни тарқатиш тизими яратилади, шунингдек, инновацион фаолият рағбатлантирилади, натижада инновацион маҳсулотнинг алоҳида шакли яратилади;
 - ўқув жараёнининг самарадорлиги ва сифати ошади;
 - таълим муассасалари ва уларнинг битирувчиларини жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларига ва меҳнат бозорининг талабларига мослаштириш таъминланади;

- ўқувчилар давлат-хусусий сектор ҳамкорлиги принциплариға мувофиқ илмий-тадқиқот муассасалари ва корхоналар ходимларининг таълим, илмий ва инновацион жараёнларида иштирок этади;
- фан, таълим, техника, маданият ва ижтимоий соҳаларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича мутахассисларни тайёрлашда интеллектуал, моддий ва ахборот ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги оширилади;
- таълим, иқтисодиёт ва ижтимоий аҳамиятга молик кенг кўламли лойиҳаларни амалга ошириш учун шарт-шароит яратилади, илмий тадқиқотлар ва инновацион фаолият фаоллашади;
- жамиятнинг ижтимоий-иктисодий ва маданий ривожланишида ЎИЧМнинг роли ошади;
 - – малакали мутахассислар тайёрлаш учун зарур шарт-шароитлар яратилади;
 - турли даражалардаги касб таълими дастурларини амалга оширадиган асбоб-ускуналарни синовдан ўтказиш учун тажриба участкалари шакллантирилади;
 - ўқув-педагогик кадрларнинг ижодий салоҳиятини ва услубий ютуқларини тўплаш ва жамлаш, уларнинг ижодий ишлари учун қулай шарт-шароитлар яратилади;
 - ЎИЧМнинг кадрлар салоҳияти доимий равищада такомиллашиб боради, илмий ва педагогик мактаб фаолияти ривожланади, илмий ва педагогик анъаналарнинг кўпайиши таъминланади;
 - ўқувчиларнинг илғор педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда таълимнинг танланган шакллари учун ўқув жараёнига тўлиқ қатнашиш имконияти таъминланади;
 - ўқувчилар учун қулай ўқув шароитлари шаклланиб, ўқувчиларнинг талаб ва истаклари бўйича таълимнинг оптимал даражаси оширилади, таълим хизматлари кенгаяди ва такомиллашади;
 - таълимни бошқарув органлари билан ижтимоий ҳамкорлик тизими яратилади;
 - илмий, техник ва ахборот материаллари нашр қилинади ва тарқатилади.

Шундай қилиб, ўқув-ишлиб чиқариш мажмуалари кластери деб, бир-бирига боғлиқ бўлган таълимий, касбий, илмий, ижтимоий, технологик ва ишлиб чиқариш ташкилотларини бир мақсад йўлида бирлаштирган ва қатъий натижага берадиган касбий-тарбиявий тизимга айтилади.

Инновацион ёндошув асосида ёшларни тадбиркорлик қўнималарини эгаллашга тайёрлаш, уларга замонавий шароитда кичик бизнес,

тадбиркорликка оид билимларни ўргатишни илмий-назарий ва амалий асосларини ўрганиш натижасида:

– миллий ҳунарманчилик воситасида талабаларда ташкилий, лойиҳавий компонентларни долзарблаштириш, объектив ва субъектив омилларнинг таъсирини ўрганиш асосида тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантириш мезонлари аниқлаштирилади;

– фасилатив ёндашув асосида миллий ҳунарманчилик воситасида талабаларда тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантиришнинг такомиллаштирилган инновацион модели ишлаб чиқилади;

– миллий ҳунарманчилик воситасида талабаларда тадбиркорлик қобилиятларини ривожлантиришнинг локал-модулли технологияси ишлаб чиқилади:

– миллий ҳунарманчилик воситасида талабаларда тадбиркорлик қобилиятларини ривожлантиришга доир дарсдан ташқари машғулотлар дастури ва методик таъминоти яратилади.

Агар кластер тизими ЎИЧМларга татбиқ этилса, қуйидаги манфаатларга эришиш мумкин:

Давлат манфаати – рақобатбардош кадр етишиб чиқади, иш сифати яхшиланади, маҳсулот сифати ошади, миграция масалалари ижобий ҳал бўлади, иқтисодий ўсиш юзага келади.

Ишлаб чиқариш корхонаси манфаати – сифатли кадрлар билан таъминланади, рақобат кучаяди, молиявий ҳолати ривожланади, четга экспорт тизими йўлга қўйилади, ишлаб чиқариш турлари кенгаяди, янги замонавий инновацион технологиялар билан таъминланади. Халқаро ҳамкорлик йўлга қўйилади, сифат кўрсаткичига, яъни ўз “Бренд”ига ва йирик завод-фабрикаларга эга бўлади.

Таълим муассасаси манфаати – касбий таълим сифати ва самарадорлиги ошади, ўқувчининг бандлиги таъминланади, Устоз-шогирд анъаналари ривожланади, соғлом ижтимоий-психологик муҳит шаклланади, ўқувчиларнинг маънавий дунёқарashi мустаҳкамланади.

Маҳалла манфаати – ёшлар бандлиги таъминланади, ишбилармонлик тараққий этади, якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти ривожланади.

Ота-оналар манфаати – иқтисодий барқарорлик, бандлик, турли хил оқимларга кириб кетишнинг олди олинади, қадриятлар тикланади, ота-онани ҳурмат қилиш, уларни қадрига етиш, меҳр-оқибат, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик каби хусусиятлар ривожланади.

Ўқувчилар манфаати – жамиятга керакли шахс бўлиб етишади, малакали мутахассисга айланади, қўшимча даромад олиш имкониятига эга бўлади.

Ўқув-ишилаб чиқариш мажмуаси манфаати – моддий таъминот базаси кенгаяди, сифатли кадр тайёрланади, ишилаб чиқариш, тадбиркорлик ривожланади, иқтисодий таъминот яхшиланади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, бугунги шиддат билан ривожланиш палласида рақобатбардош кадрларга эътибор ҳар қачонгидан кучайган. Касб-хунар таълим мининг дастлабки босқичи бўлган ўқув-ишилаб чиқариш мажмуалари фаолиятини замон талаблари даражасида ривожлантириш, унга кластер усулини жорий этиш кўзланган мақсадга, натижага эришишнинг, муаммоларни бартараф этишнинг бирдан-бир йўлидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 25-январдаги “Умумий ўрта, ўрта маҳсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти ПФ-5313-сон Фармони. www.lex.uz

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017-йил 24-октябрдаги “Умумий ўрта таълим муассасаларининг 10-11-синфлари ўқувчиларига касбий таълим беришга ихтисослашган ўқув-ишилаб чиқариш мажмуаларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ти №868-сонли қарори. www.lex.uz

3. Валиева Ф. Кластер тизимини ўқув-ишилаб чиқариш мажмуаларига жорий этишнинг ўзига хос хусусиятлари – Т., 2018. №4. 106-113б.

**Муқимий номидаги Қўқон давлат педагогика институти
ўқитувчиси Адҳамжон Абдурашидовнинг “Инновацион ёндашув асосида
ёшларда тадбиркорлик қўникмаларини шакллантиришнинг назарий-
методологик асослари” номли мақоласига**

ТАҚРИЗ

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ривожланишнинг глобаллашуви шароитида давлатнинг рақобатбардошлиги унинг мавжуд илмий-маърифий ва илмий-техникавий салоҳиятдан тўлақонли фойдаланиш, инновацияларни иқтисодиётга кенг тадбиқ этиш орқали мамлакатнинг барча соҳаларини ривожлантириш, айниқса, кичик тадбиркорлик ва миллий хунармандчиликни ҳар томонлама қўллаб қувватлаш, ёшларга бу соҳада зарурый имтиёзлар яратиш орқали уларда тадбиркорлик қўникмаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида алоҳида ўзига хос омиллардан бири бу ёшларда тадбиркорлик қўникмалари шаклланганлигидадир. Зеро, тадбиркор деб, иқтисодий ресурслар: ишлаб чиқариш воситалари, ишчи кучи ва табиий ресурсларнинг бир-бирига қўшилишини таъминлайдиган ташкилотчи, янгиликка интилевчи ташаббускор, иқтисодий ва бошқа хавф-хатардан кўрқмайдиган кишиларга айтилади;

Айнан бугунги кунда миллий ҳунарманчилик воситасида инновацион ёндашув асосида талабаларда тадбиркорлик қўникмаларини ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитларини илмий-назарий жиҳатдан асослаш ва мавзу юзасидан илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш талаб этилмоқда. Миллий ҳунарманчилик воситасида талабаларда тадбиркорлик қўникмаларини ривожлантириш компонентлари, омиллари ва мезонлари аниқлаштириш; миллий ҳунарманчилик воситасида талабаларда тадбиркорлик қўникмаларини ривожлантиришнинг педагогик моделини ишлаб чиқиш; миллий ҳунарманчилик воситасида талабаларда инновацион ёндашув асосида тадбиркорлик қобилиятларини ривожлантириш технологияси ишлаб чиқиш: миллий ҳунарманчилик воситасида талабаларда тадбиркорлик қўникмаларини ривожлантиришда илмий-назарий асосларни ўрганиш муҳимдир.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб Қўқон давлат педагогика институти ўқитувчиси Адҳамжон Абдурашидовнинг “Инновацион ёндашув асосида ёшларда тадбиркорлик қўникмаларини шакллантиришнинг назарий-методологик асослари” номли мақоласини нашрга тавсия этаман.

Қўқон ДПИ доценти,

психология фанлари номзоди:

Д.А. Салиева

**Муқимий номидаги Қўқон давлат педагогика институти
ўқитувчиси Адҳамжон Абдурашидовнинг “Инновацион ёндашув асосида
ёшларда тадбиркорлик қўникмаларини шакллантиришнинг назарий-
методологик асослари” номли мақоласига**

ТАҚРИЗ

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Президенти олиб бораётган ижтимоий-иктисодий сиёсатда мамлакат ҳаётининг барча жабҳаларини тубдан ривожлантиришга, айниқса келажак авлодни униб-ўсиши учун барча зарурий шарт-шароитлар яратишга муҳим аҳамият берилмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркор бу - иқтисодий ресурслар: ишлаб чиқариш воситалари, ишчи қучи ва табиий ресурсларнинг бир-бирига қўшилишини таъминлайдиган ташкилотчи, янгиликка интигувчи ташаббускор, иқтисодий ва бошқа хавф-хатардан қўрқмайдиган кишилардир.

Бугунги кунда миллий ҳунарманчилик воситасида талабаларда тадбиркорлик қўникмаларини ривожлантириш компонентлари, омиллари ва мезонлари аниқлаштириш; миллий ҳунарманчилик воситасида талабаларда тадбиркорлик қўникмаларини ривожлантиришнинг педагогик моделини ишлаб чиқиш; миллий ҳунарманчилик воситасида талабаларда тадбиркорлик қобилияtlарини ривожлантириш технологияси ишлаб чиқиш: миллий ҳунарманчилик воситасида талабаларда тадбиркорлик қўникмаларини ривожлантириш самарадорлигини оширишга доир илмий асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш муҳимdir.

Талаба-ёшларда тадбиркорлик қўникмалакарини эгаллашга тайёрлаш, уларга замонавий шароитда кичик бизнес, тадбиркорликка оид билимларни ўргатиш лозим. Бу эса уларнинг мамлакат иқтисодий барқарорлиги ва тараққиётини таъминлаш учун меҳнат қилишлари, ўз вақтларини фойдали ишларга сарфлашларига кўмаклашади. Шу жиҳатдан қараганда, ўқувчи-ёшларни касб-ҳунар танлашга тайёрлаш масаласига эътиборли бўлиш, уларнинг маълум бир касб-ҳунарга нисбатан бўлган лаёқат, мойиллик, иқтидор, истеъдод, қобилият, қизиқиш ва ақл-заковатига аҳамият беришда ота-оналар, таълим муассасалари, жамоат ташкилотларининг масъулиятини ошириш ва уларнинг ижтимоий ҳамкорлигини таъминлаш талаб этилади.

Қўқон давлат педагогика институти ўқитувчиси Адҳамжон Абдурашидовнинг “Инновацион ёндашув асосида ёшларда тадбиркорлик қўникмаларини шакллантиришнинг назарий- методологик асослари” номли мақоласини нашрга тавсия этаман.

Қўқон ДПИ доценти,

педагогика фанлари доктори:

Н. Ш. Эркабоева